



ФИКР БАРАКАЛИ БЎЛСИН (Журналист – кардиологдир)

Баходир Карим

Чинакам, ҳаққоний журналистика – бу жамият юрак уришини текшириб турадиган мухташам кардиограф, яъни юрак уришини ёзиб олгувчи ускунадир. Журналист замон кардиологи ўлароқ жамиятдаги соғлом ва бемор муҳитни муҳит обдон текширади; тафтиш этади.

Журналистика ижтимоий-маиший турмушни соғломлаштириш учун ҳар куни, қадамда, ҳар соатда, ҳар сонияда керак ва зарур. Бугун унинг йўллари, усуллари, кўринишлари кўпайди. Дастлаб матбуот нашрлари сифатида майдонга келганига урғу беришга зарурат йўқ.

Адабий ҳаётни, бадиий адабиёт - сўз санъатни ана шу матбуот нашрлари тарихидан, бугунги эса ижтимоий тармоқ ўзанларидан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

Чунки “Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган ғишт бўлсин”, деб майдонга чиққан XX аср бошларидаги янги ўзбек адабиёти намояндаларининг аксарияти журналистик фаолияти билан машғул эди. Улар ўз нашрлари учун “Ҳақиқат” деб, “Таржимон” деб, “Садо” (“Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”), “Улфат”, “Юрт” каби номларни қўйишди. Уларнинг садолари ҳали шу кунга доғур эшитилиб турибди.

Бугун “овоз”ларимиз, “халқ сўз”ларимиз, “маърифат”ларимиз “зиё”ларимиз, “хуррият”ларимиз бор.

Бу матбуот нашрлари ўз саҳифаларида хабарлар, очерклар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маърифий мавзудаги таҳилли мақолалар, журналистиканинг барча жанрларига мос мақолалар тақдим этишади. Айни дамда, азизлар, журналистика бадиий адабиёт билан бир ҳаводан нафас олади. Айни дамда барча замонларнинг матбуот нашрларининг саҳифаларини бадиий сўз безаб туради. Лирик кайфият билан йўғирилган кўркем саноеъ нафиса - гўзал шеърлар ёнида ижтимоий-маиший мазмунли, сатирик пафосли асарлар майдонга келади, улар қайсидир маънода журналистиканинг миссиясини адо қилади.





Дарҳақиқат, бугун ҳам шундай. Адабий ҳаётда кечаётган барча жараёнлар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат”, “Китоб дунёси”, “Адабиёт зиёси” каби нашрларда намоён бўлмоқда. “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти”, “Маънавий ҳаёт”, “Ўзбек тили ва адабиёти” каби қатор нашрларимиз бор. Бу маънавий хазинани бугунги катта авлод жуда яхши билади. Аммо ёшлар учун, ижтимоий тармоқларда, жуда фаол бўлган ва ҳар кун ёзаётганларини бетўхтов эълон қилаётган ёшлар учун менинг гапларим бир афсонадек эшитилаётган бўлса узр сўрайман. (Бетўхтов эълон қилинаётган асарларга нисбатан бир фикрим – улар бир оз димлаб қўйилса, бир оз тиниқлаштирилса яхши бўлар эди).

Ёшлар матбуот нашрларини қўлларига олишларини хоҳлайман. Бундан чорак аср аввал “Ёшлик” журналида бир бетлик мақоласи чиққан ёш мунаққид ёки саккиз қатор шеъри чиққан хаваскор шоир ҳаяжонидан уч кун ухлай олмас эди. Бугун вазият ўзгарган.

Аммо ҳар қандай вазиятда қалам аҳли сўзга хиёнат қилмасликлари керак. Аллома адиб Абдулла Қодирий айтадики: “Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Тузилган жумлани ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдадир”. Яна бир гапида “Ҳар бир асарим – бир фарзандим, чироқчимдир”, деган мулоҳазани айтади.

Ёзганларингиз нурли, сўнмас ва ўчмас чироққа айлансин.
Бугуни илмий анжуман ишига фикр баракасини тилайман.

